

## ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИНИ ЎТКАЗИШ

Мардонов Замонбек Абдукарим ўғли

E-mail: [zamomardonov@gmail.com](mailto:zamomardonov@gmail.com) Phone: +99893 110-31-92

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш академияси “Тергов фаолияти”  
мутахассислиги бўйича магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11002473>

**Аннотация.** Мақолада экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишида судга қадар иши юритиши босқичини ўтказиши механизми ёритилган. Амалга оширилган тадқиқот асосида умумий хуласалар берилган, экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишида судга қадар иши юритиши босқичини ўтказиши бўйича амалий тавсиялар билдирилган.

**Таянч тушунчалар:** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, жиноят, жазо, ҳукуқни муҳофаза қилиши органлари, тергов фаолияти, экология, дастлабки тергов, судга қадар иши юритиши.

### CARRYING OUT THE STAGE OF PROCEEDINGS BEFORE THE COURT IN THE INVESTIGATION OF CRIMES IN THE FIELD OF ECOLOGY

**Abstract.** The article describes the mechanisms of conducting the pre-trial proceedings in the investigation of crimes in the field of ecology. Based on the conducted research, general conclusions were given, and practical recommendations were made for the pre-trial stage of the investigation of crimes in the field of ecology.

**Key words:** Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, crime, punishment, law enforcement agencies, investigative activities, ecology, preliminary investigation, proceedings before the court.

### ПРОВЕДЕНИЕ СТАДИИ РАЗБИРАТЕЛЬСТВА В СУДЕ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ

**Аннотация.** В статье описаны механизмы ведения досудебного производства при расследовании преступлений в сфере экологии. На основе проведенного исследования даны общие выводы и даны практические рекомендации для досудебной стадии расследования преступлений в сфере экологии.

**Ключевые слова:** Уголовный кодекс Республики Узбекистан, преступление, наказание, правоохранительные органы, следственная деятельность, экология, предварительное следствие, производство в суде.

### КИРИШ

**Экология соҳасидаги жиноятлар** – экологик қонунчилик талабларини бажармаслик жиноятларининг мураккаб мажмуасидир, яъни улар атроф табиий муҳитга ва инсон саломатлигига зарар етказувчи ҳукуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, жиноят қонуни билан тақиқланган ва жазо белгиланган, инсонни ўраб турган табиий муҳитни қўриқлашни, табиий ресурслардан рационал фойдаланишни, шу жумладан экологик хавфсизликни, шахсни, жамиятни, миллатни ва давлатнинг барқарор

ривожланишини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишдан иборатdir.

Экология соҳасидаги жиноятчилик салбий оқибатларининг оғирлиги жиҳатидан, ўзининг демографик, экологик, ижтимоий хусусиятлари бўйича миллатлар хавфсизлигига реал хавф туғдиришининг аниқлиги жиҳатдан ғоят жиддий хавф туғдирувчи ҳодиса бўлиб қолмоқда. Бу яна инсоннинг ўртача яшаш муддатининг камайишига, турли касалликларнинг, ўлим ҳодисаларининг кўпайиб кетишига, аҳоли генофондининг сусайишига сабаб бўлмоқда, экологик ҳалокатнинг ва экологик ёмон зоналарнинг пайдо бўлишига ва табиий ресурсларнинг (тупроқ, балиқ, ўрмон ва бошқаларнинг) деградациясига сабаб бўлмоқда.

**Асосий қисм.** Экология соҳасидаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказишда ҳақиқий ҳолатни тез, тўла ва самарали аниқлаб олиш керак. Тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларга таъсир кўрсатадиган бир қатор ўзига хос тактик йўналишлар мавжуд.

Экология соҳасидаги жиноятлар юзасидан Терговга қадар текширув қўйидаги органлар томонидан амалга оширилади:

1. Ички ишлар органлари;
2. Ўзбекистон Республикаси бош Прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаментининг жойлардаги бўлимлари;

Экология соҳасидаги жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишини рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунiga қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Ушбу муддат ичиде экология соҳасидаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига қайд эттилган:

1. Қўшимча ҳужжатлар, тушунтишилар талаб қилиб олиш,
2. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш,
3. Экспертиза ўтказиши,
4. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши ҳақида топшириқлар берииш мумкин.

Экология соҳасидаги ҳодисалар ҳақида хабар бўлганда ушбу қилмишни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туришни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Ҳозирги кунга келиб Экология соҳасидаги жиноятларни содир этаётган шахслар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига ҳам ўз вазифаларини лозим даражада бажаришдан бўйин товламоқдалар. Юқорида қайд этилганларини инобатга олиб Экология соҳасидаги жиноятларни содир этган шахслар қонун олдида жавоб беришдан бўйин товлаш мақсадида Тергов органлари ва суд органларидан яширинишга ҳаракат қилишади, шунинг учун Экология соҳасидаги жиноятларни содир этган айрим шахсларини ушлаб туриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

### Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш - Экология соҳасидаги ҳодисалар юзасидан кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати бўлиб, жиноят аломатларига эга ҳодисанинг натижаларини мақсадга мувофиқ равишда фаол ўрганишдан иборат.

Экология соҳасидаги ҳодисалар содир бўлган жойни кўздан кечирганда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- 1) умумий ҳолатни ўрганиш ва ҳодисанинг муайян натижаларини ҳисобга олиш;
- 2) ҳодиса тўғрисидаги излар ва бошқа ахборот манбаларини қидириш, улчамни қайд этиш, олиб қўйиш, дастлабки тадқиқ қилиш, баҳо бериш ва сақлаб қўйиш;
- 3) ҳодиса, унинг қатнашчилари тўғрисида барча фактик маълумотларни йиғиб, уларни таҳлил қилиш, ҳодиса ва унинг қатнашчилари тўғрисида таърифга эга бўлиш ва шу асосида зарурый тусмолларни ишлаб чиқиш ҳамда тергов йўналишларини белгилаш;
- 4) жиноят изларининг «иссиғида» тезкор-қидириув чоралари ва тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарур маълумотлар олиш;
- 5) ҳодисанинг салбий оқибатларини ўрганиш (агар бундай оқибатлар мавжуд бўлса).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида барча ҳолларда, агар изларнинг аниқланишига, тадқиқ этилишига ва сақланишига доир зудлик билан қарор қабул қилиш лозим бўлса, жиноят аломатларини қайд қилиш мақсадида ўтказилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 135-137, 141-моддаларида кўрсатилган. Ҳодиса жойини кўздан кечириш мураккаб, катта ҳажмли ҳаракатdir. Унинг мураккаблиги Объектларнинг кўплиги ва кўздан кечириш вазифаларининг зиёдалиги, ҳодиса жойида бўлган шароитларнинг метеорологик омилларга кўра ўзгариши, айрим Объектларнинг хусусиятлари, одамларни атайлаб ёки эҳтиётсизлик билан қилган ҳаракатлари сабабли ўзгариши, иш фаолиятининг узунлиги ҳамда чигал вазиятларда катта руҳий эзилиш ва шу кабилар билан белгиланади. Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси учта асосий элементдан, яъни жиноят жойини кўздан кечириш учун тайёргарлик кўриш, кўздан кечириш (ишчи босқич) ва якунловчи босқичдан таркиб топган.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг натижали бўлиши унга пухта тайёргарлик кўришдир. Шу боис, унга тайёргарлик кўриш икки босқични ўз ичига олади:

- 1) ҳодиса жойига чиқмасдан тайёргарлик кўриш;
- 2) ҳодиса жойига чиққанда тайёргарлик кўриш. Терговчи ҳодиса тўғрисида хабар олганидан сўнг, ҳодиса жойига чиқишдан аввал тергов-тезкор гуруҳи йиғилади, у илмий-техник воситалар, алоқа воситалари ва транспорт билан таъминланади.

Амалиётда ички ишлар органлари ва прокуратура терговчилари, мутаҳассис-криминалистлар, жиноят-қидириув бўлимнинг ходимлари, суд-тиббиётчилар ва кинологлар биргаликда навбатчилик қилишади. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган жойда қандай ҳаракат қилиши тўғрисидаги йўриқнома мавжуд. Навбатчилик қисми ҳодими ҳодиса тўғрисида хабар олганидан сўнг қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) хабар берган шахснинг ўзи ким, ҳодиса қаерда содир бўлган ва қандай ҳаракатлар содир этилган, бу ҳаракатларни ким содир этган ёки содир этиши мумкин, ўша

шахснинг ташқи киёфа белгилари, қаерга қочиб кетганлиги қайд қилинади;

2) ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан тергов-тезкор гурухини жўнатади, ҳудуд профилактика инспекторини жиноят содир бўлган жойга юборади ёки унга бу ҳақда хабар қиласди. Айрим ҳолларда ўзининг ёрдамчи-сини жиноят содир бўлган жойга юбориб, бошқа жиноятлар содир этилишига қарши чоралар кўради, ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаш тадбирларини белгилайди;

3) бошқа ички ишлар органларини ҳодиса тўғрисида хабардор қилиб, уларга жиноятчиларнинг ташқи киёфалари, улар олиб кетган буюмлар ва транспорт воситаларининг белгилари тўғрисида ва жиноятга алоқадор бошқа маълумотни беради, уларни ушлаб олиш мақсадида ҳодиса жойига ва жиноятчиларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли бўлган жойларга қидирув гурухларини юборади;

4) тергов-тезкор гурухи билан мунтазам алоқа қиласди, унга зарурий ёрдам кўрсатади, бу гурухдан келадиган ахборотнинг текширилишини ташкил қиласди, криминалистик ва тезкор ҳисоблар бўйича ахборотни текширади;

5) ҳодиса тўғрисида ички ишлар органи раҳбариятига хабар қиласди.

Ҳодиса содир бўлган жойга чиққанда терговчи ва кинолог мумкин қадар хизмат кийимида бўлишлари лозим. Тергов-тезкор ходимлари ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келишганида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари, яъни жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари, жиноят ҳаракатларини бартараф этишлари ва бу ҳаракатлардан келиб чиқадиган зарарни йўқ қилишларни, уни бартараф этиш борасида чора кўришлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлашлари, зарур бўлса бунга жамоат вақилларини жалб қилишлари ёки қўшимча кучларни чақиришлари, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган шахсларни аниқлашлари, жиноятда гумон қилинган шахсларни ушлаш чораларини кўришлари, барча олиб борилган ишлар тўғрисида навбатчига баён қилишлари лозим бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш жараёнида бир қанча ишлар амалга оширилиши керак. Жумладан, ҳодиса содир бўлган жой терговчи ва тезкор-тергов гурухи келмасданоқ қўриқланиши лозим ва улар бу жойга етиб келгандан сўнг ҳам қўриқлаш ишлари олиб борилади. Бунинг учун ҳодиса содир бўлган жойга нотаниш одамларни яқинлаштирмаслик зарур. Шу билан бирга, ҳодиса жойида бўлган мулкни, ҳолатни ва изларни сақлаб қолиш керак, чунки бундай ҳаракатлар жиноят изларининг сақлаб қолинишига шароит яратади. Қурол, арралочи ва бошқа предметлар ҳамда (ёмғирдан ёки қордан) бузилиб қолиши мумкин бўлган изларни бирор-бир нарса билан ёпиб қўйиш тавсия қилинади. Ёпиб қўйилади-ган изларни кимёвий моддалар сақланган идишлар ёки ўткир ҳидга эга идишлар (совун, тамаки сақланадиган идишлар ва ҳоказо) билан беркитиш тавсия қилинмайди, чунки уларнинг ҳиди Объектда бўлган ҳидга таъсир этиши ва уни йўқ қилиши мумкин ва тегишли одорологик тадқиқотда бу Объектдан ҳақиқий жиноят вақтида қолдирилган ҳидни олиш қийин кечади. Хизмат ити тегишли ҳидга эга бўлган изни ололмайди. Қўриқлашга мўлжалланган жой беркитилиши ва унга олиб борувчи йўллар ва чиқишлар назорат остида бўлиши лозим. Ёнгин натижаларини бартараф этиш чоралари қўрилиши лозим. Ҳодиса жойидан ахборотга эга барча шахслар, яъни жабрланувчилар, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган шахслар, жиноятни биринчи бўлиб сезган

ёки моддий жавобгар шахслар, Объектнинг раҳбарлари аниқланиб, уларнинг барчасидан тушунтириш хати олинади.

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида холисларни жалб қилиш лозим.

Уларни таклиф этиш масаласини жойга чиқишдан аввал ҳал қилиш лозим. Одатда холислар (улар икки нафардан кам бўлмаслиги керак) маҳаллий халқ ичидан танланади.

Агар ҳодиса жойи тураг жойлардан, қишлоқлардан узоқда ёки кўздан кечириш тунда ўтказиладиган бўлса, у ҳолда яқин атрофда истиқомат қилувчи шахслардан холис танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Холислар ишнинг қандай натижа беришидан манфаатдор бўлмасликлари керак. Холисларни танлашда хатоликларга йўл қўймаслик лозим. Ҳодисани биринчи бўлиб аниқлаган, ўз кўзи билан кўрган шахслар, гумонланувчи шахс ёки жабрланувчиларнинг танишлари ва қариндошларини, вояга етмаган шахсларни холис сифатида жалб этиш мумкин эмас. Баъзи ҳолатларда агар холислар маълум билимларга эга бўлсалар, бу ишга ижобий таъсир қиласди. Масалан, авария жойини кўздан кечиришда, агар холислар технологик жараён билан таниш бўлсалар, улар терговчининг эътиборини муҳим ҳолатларга қаратишлари мумкин. Холисларнинг қонуний хукуқ ва бурчлари тушунтирилади. Зарур ҳолларда, улар тергов ҳаракатида олинган маълумотларни овоза қилмаслик тўғрисида огоҳлантириладилар.

Кўздан кечириш вақтида тергов-тезкор гурухининг барча аъзолари иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг билимлари ва кўрикнинг вазифаларига асосланиб, ишга баҳо берадилар. Ҳодисани биринчи аниқлаган шахслардан сўров олганда, ҳодиса содир бўлган жойда (қандайдир бир ҳодиса жойига) ўзгаришлар киритилганми ёки йўқми, бирор Объектга тегилганми ёки йўқми, буларнинг барчасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади [1].

Шундан сўнг ҳодисанинг жиноятдан сўнгги ҳолати тикланади ва кўздан кечирилади.

Тайёргарлик пайтида ва ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи ва тергов-тезкор гурухи қатнашчилари ишлаш жараёнида хомаки ёзувлар, чизмалар. матнлар тузадилар.

Керакли криминалистик техник воситаларни тайёрлаб қўядилар. Ҳодиса содир бўлган жойга боришда у ерда қатнашувчиларнинг таркиби тўғрисидаги савонни ҳал этиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш масалалари, бошқа ташкилий ва техник чораларни ўтказиш тергов ҳаракатининг сифатли ўтказилишини таъминлаб беради. Бошланган жойни ва шу каби Объектларни биргаликда ва алоҳида суратга тушириш керак. Ҳодиса жойини фотосуратга олиш услубида қайд қилгандан сўнг ҳодиса тўғрисида маълумот берадиган Объектларни аниқлашга киришилади. Уларни қидирганда қуидагиларга аҳамият бериш лозим:

- ҳодиса тўғрисида қандай бошланғич ахборот олингани ва ҳодиса содир бўлган жойга етиб келгандан сўнг қандай ахборот маълум бўлганлиги;
- ўзининг дастлабки ҳолатини тез ўзгартириб юборувчи Объектлар ва изларга аҳамият бериш ва уларни аниқлашга доир масалаларни тез вақтда ечиш лозим бўлади.

Бундай Объектлар ва излар вақт ўтиши билан ўзининг дастлабки ҳолатини йўқотиб, ашёвий далил сифатида ишлатилиши қийин бўлиб қолади (ерда ва йўлда қолган поябзал ва транспорт излари, очиқ ва нам бўлган юзаликларда қолган қон излари, микрообъектлар ва ҳоказо);

- криминал ҳолатни фикрий таассурот асосида тузилган таърифга эътибор берилади. Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, фикрий таассуротлар ҳодисанинг Объектив, тўлиқ ва ҳар томонлама текшириш тамойилларига бўйсуниши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг якунловчи босқичида кўздан кечириш баённомаси, режа ва схемалар тузилади.

Кўздан кечириш баённомаси асосий процессуал ҳужжат бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижаларини қайд қилувчи асос ҳисобланади. Баённома ҳодиса содир бўлган жой тўғрисида тўлиқ, объектив ва аниқ ахборотга эга ҳужжат бўлиши лозим.

Унинг мазмунида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида қўлланилган тактик ва техник-криминалистик восита ва усуллар, терговчининг ҳаракатлари, шунингдек, кўздан кечириш пайтида аниқланган излар ва ишга таалуқли бошқа Объектлар кўрсатилади. Кўздан кечиришнинг кетма-кетлиги қандай бўлса, баённомада айнан шундай акс этиши лозим. Шунинг учун топилган Объектлар айнан шу кетма-кетликда қайд этилади. Баённома охирида олиб қўйилган Объектларнинг рўйхати берилади.

Баённомани тузиш пайтида қўйидаги талабларга риоя қилиш керак:

1) тавсиф кўздан кечиришга ўхшаб умумийдан хусусийга қараб йўналтирилган бўлиши, бирор-бир алоҳида предметнинг тавсифи муайян аниқ жойга боғланиб, қайд этилиши лозим;

2) тушуниб бўлмайдиган жумлалар, айrim маҳсус терминлар (агар улар таърифланмаган бўлса) баённомада акс эттирилиши ман этилади, барча ўлчаш кўрсаткичлари ўлчаш стандартлари асосида олиб борилади;

3) баённоманинг матнини схематик режалар ва фотосуратлар билан бирлаштириш лозим, яъни режа ва фотосуратларнинг рақамлари баённомада қайд этилиши керак;

4) салбий ҳолатларни тавсиф этганда улар асосида хуносаларни баённомада қайд қилиш, ҳолатга баҳо бериш ман этилади;

5) кўрик қатнашчиларининг аниқланган фактларга нисбатан фикр ва мулоҳазалари қайд этилиши мумкин эмас ва бу борада қўйидаги фикр ва мулоҳазалар истисно бўлиши мумкин: агарда бу фикр ва мулоҳазалар топилган объектларнинг келиб чиқиши тўғрисида бўлса (масалан, жабрланувчи ҳодиса жойида топилган нарса унга мансуб эмаслигини кўрсатади). Ҳодиса жойининг чизмаси (схемаси) - бу жойнинг график расми. Унга фаразли белгилар қўйилган ва у масштабли ёки масштабсиз бўлиши мумкин, аммо предметлар орасидаги масофалар зарурӣ равишда кўрсатилади. Чизма ҳодиса содир бўлган барча жойни (хонадонни) ўз ичидаги акс эттириши лозим. Унинг мазмунидаги мавжуд барча белгилар тушунарли бўлиши керак, чизмада терговга муҳим бўлган деталлар кўрсатилади[1].

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Экология соҳасидаги ҳодисалар бўйича катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Экология соҳасидаги ҳодисалар бўйича ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, хужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим.

Экология соҳасидаги ҳодисалар содир бўлган жойни кўздан кечирганда қўп холларда марказдан бошлиб кейин четга чиқилади. Видеога олиш, суратга тушириш, шунингдек ифлосланиш манбаи, унинг колдиклари, излари ва намуна олинган участкаларнинг чизмаси кўздан кечириш баённомасига илова қилинади.

Терговчи воқеа содир бўлган жойга оид хужжатларни ўрганиш жараёнида суд экспертизасини тайинлаш туғрисидаги масалани ҳал қилиб, зарур хужжатларни тайёрлаб кўйиши керак. Шунингдек, сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосининг ифлосланганлигига қадар ва ундан кейинги ҳолатини кўрсатадиган ашёвий далиллар ва олинган намуналарга эга бўлиши зарур.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд теварак-атроф ва биноларни қуидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирадилар.

Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Туар жойи кўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташқилотнинг вақили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташқилотда ўтказилса маъмурият вақилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтказилса қўмондонлик вақилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт. Биноларни кўздан кечиришда ушбу Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 160 ва 161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

Алоҳида ҳолларда, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-даражаларга шикаст етказиш ёхуд уларни нобуд қилиш ҳодисаси юзасидан терговга қадар текширув муддати қуидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

- 1) ўтказиш учун кўп вакт талаб қиласидаги экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;
- 2) олис жойларда бўлган ёки чақиравга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;
- 3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.
- 4) етказилган моддий заарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Maxsus қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни

топиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади.

Ички ишлар шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли. Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир органнинг раҳбарлари терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бошлиғи сифатида ҳаракат қила туриб, терговга қадар текширувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа мансабдор шахсга уни юритишни топширишга, жиноят ишини қўзғатишга ёки иш қўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс зиммасига терговга қадар текширувни амалга оширишга доир вазифаларни юклатиш тартиби мазкур орган томонидан белгиланади. Бошлиқнинг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган мансабдор шахс жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва саклаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси зиммасига терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айrim процессуал ҳаракатларни ва тезкор-қидируv тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига, суриштирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида қўмаклашиш мажбурияти ҳам юклатилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси терговга қадар текширувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг, суриштирувчининг топшириғини бажараётганда, ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга оширади ва қарорлар қабул қиласди.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорлари мазкур орган бошлиғи томонидан тасдиqlаниши лозим. Бошлиқнинг ёзма кўрсатмалари уларни бажаришни тўхтатмай туриб, ушбу кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақли бўлган унга бўйсунувчи мансабдор шахс учун мажбурийдир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмалари терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси учун мажбурийдир. Улар прокурорнинг кўрсатмаларидан норози бўлган тақдирда, кўрсатмаларни бажаришни тўхтатмай туриб, юқори турувчи прокурорга уларнинг устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Ушбу жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар. Ушбу турдаги жиноятлар буйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг сабабий боғланишларини тўлиқ намоён этиш қийин ҳолатлардандир.

Экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда, бошқа жиноятлар каби қўйидагиларни исботлаш лозим:

- содир бўлган ҳаракатда жиноят таркиби борлиги;

- агар жиноят таркиби бор бўлса, ушбу жиноят қаерда, қачон, қандай тарзда содир этилган;

- ушбу жиноятларнинг объектив ва субъектив ҳолатлари. Шуни айтиб ўтиш жоизки Экология соҳасидаги жиноятни тергов қилишда содир бўлган ҳаракат билан унинг натижаси ўртасидаги сабабий боғланишини аниқлаш мухимдир.

### Экология соҳасидаги ҳодисалар юзасидан жиноят ишини қўзғатиш

Экология соҳасидаги жиноятлар тўғрисида ишлар қонунга ҳилоф равищда эгаллаб олинган ерларни атрофида истиқомат қилувчи фуқаролар, ушбу ҳудуд маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, сув-техника назорати, балиқчилик назорати, санитария-эпидемиология станцияси органлари, корхона маъмурияти, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, алоҳида фуқаролар ва бошқа манфаатдор фуқаролар ахборотларига асосланиб қўзғатилади.

Экология соҳасидаги жиноятлар бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан ҳам аниқланиши мумкин. Дастребаки текширишда жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш, Экология соҳасидаги жиноятлар бевосита суриштирувчи ва терговчининг иш юритуvida бўлган жиноят ишлари доирасида ҳам учраб қолиши мумкин. Айниқса Экология соҳасидаги жиноятлар фирибгарлик яъни, ўзганинг мулкини алдаш ёки иншончни сущистемол қилиш йўли билан талон-тарож қилишда ифодаланган қилмишларда кўп учрайди. Мавжуд жиноят белгиларини текшириш учун кўшимча материаллар талаб қилиш ва тушунтириш хатлари олиш мумкин. Жумладан, жиноят иши қўзғатишга оид хулоса чиқаришга қуидаги таҳдидлар асос бўлиши мумкин:

- 1) ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ишларни тартибга солиш соҳасига оид бошқа норматив қоидалар бузилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;
- 2) ерларга эгалик қилиш соҳасидаги ишларни тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжат;
- 3) экология соҳасидаги ишларни тартибга солишга оид ҳужжат;
- 4) шоҳидларнинг хабари ёки тушунтириш хати, шунингдек ўз ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ерлардан самарали фойдаланиш учун заарли оқибатларга олиб келган қилмишлар ҳақидаги шахсларнинг кўрсатмалари.

Шунга мувофиқ, терговчи олдида турган вазифаларидан келиб чиқиб, иш бўйича тергов йўналиши, бу ҳаракатларнинг биринчи навбатдаги тадбирлари белгилаб олинади. Энг аввало, жиноий ҳатти-ҳаракатнинг келиб чиқиши сабаблари ва экологик объектлар ифлосланишининг интенсивлиги аниқланади. Бунинг учун қуидагиларни бажариш зарур:

- воқеа содир бўлган жой ва тозалаш иншоотларини қўздан кечириш;
- атроф-муҳит ифлосланишига олиб келган ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш;
- ифлослаётган манбаларни бартараф этиш чорасини кўриш;
- экологик қоидани бузган айбдор шахс, жабр кўрганлар, гувоҳларни сўроқ қилиш;
- ифлосланишининг технологик жараёнини кўрсатадиган ҳужжатларни олиб қуийиш, ички бошқарув назоратининг ҳолати, экологик назоратни амалга оширадиган инспекция ва органларнинг маълумотлари;
- ифлосланганлик даражасини таҳлил этиш учун тупроқ, сув ва ҳаводан намуналар олиш;

- тиббий, биологик, кимёвий ва бошқа экспертизаларни белгилаш.

Бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида ахборот олиш учун тергов харакатларини ва тезкор-қидирув тадбирлари билан қўшиб олиб бориш тавсия этилади. Ички ишлар ходимларига топшириқ бериб, унда тозаланмаган ва заарсизлантирилмаган оқова сувни ташлаганларни кўрган гувоҳларни билиб олиш, атрофдаги жойларни текшириб чиқиш йўли билан моддий далилларни аниқлаш, харакатдаги воситалар (автомашина, кема ва ҳоказо)ни тўхтатиш, жойларни айланиб чиқиш ва изидан кузатиб бориш йўли билан ифлосланган жойдан яширинганларни аниқлаш керак.

Экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда ҳакикий ҳолатни тез, тўла ва самарали аниқлаб олиш керак. Тергов харакатларига таъсир кўрсатадиган бир қатор ўзига хос тактик йўналишлар мавжуд. Ҳусусан мазкур турдаги жиноят ишларини кўришда суриштирувчи, терговчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексида кўрсатилган бир қанча тергов харакатларини ўtkазиши мумкин. Жумладан:

- 1. Сўроқ қилиш;**
- 2. Юзлаштириш;**
- 3. Кўздан кечириш;**
- 4. Таниб олиш учун кўрсатиш;**
- 5. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;**
- 6. Нарса ва хужжатларни тақдим қилиш ва ҳоказо.**

Экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда юқоридаги тергов харакатларини ўтказиш жиноят ишининг қайси босқичида амалга оширилиши ва ишнинг мазмун-моҳиятига мос бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш жиноятини тергов қилишда қуидаги процессуал харакатлар амалга оширилиши лозим. Улар:

- 1. Мол-мулкни хатлаш;**
- 2. Эҳтиёт чораларини қўллаш;**
- 3. Мажбурий келтириш;**
- 4. Шахсни лавозимидан четлаштириш;**
- 5. Жиноят содир этишда айбдор шахслар доирасини аниқлаштариш мақсадида Хизмат текширувлари тайинлаш;**
- 6. Жиноят содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш ва ҳоказолар.**

Мазкур туркумдаги жиноят ва маъмурий ишларни кўришда бевосита жиноятни ва бошқа ҳуқуқбузарликни содир қилган шахслар билан чегараланиб қолмасдан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганликда айбдор бўлган барча шахслар доирасини синчилаб аниқлаш шарт. Ҳусусан ўзларининг харакатсизликлари ёки қонунга хилоф харакатлари билан ерлардан фойдаланиш тартибига зиён етказган корхона ва ташқилют раҳбарларининг айбдорлик даражасини аниқлаш ва уларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш зарур. Шу билан бир қаторда экология назорати органларининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузилишига

олиб келган ҳаракатсизликлари сабаблари ҳам аниқлаши керак. Асослар мавжуд бўлганда бундай органларнинг мансабдор шахслари жавобгарликка тортилмоғи лозим.

Корхона, муассаса, ташқилот ва бирлашмаларнинг даъволари ёки бу ташқилотларга нисбатан қишлоқ хўжалик мулкларига шикаст етказиш ёхуд бузиш, мелиоратив ишларни сифатсиз бажариш, саноат ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш чиқиндилари билан атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида экинларнинг нобуд бўлиши ёхуд табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни бошқача тарзда бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича фуқаролик ишларини кўришда етказилган зарар мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилганилиги ёинки мансаб совуқконлиги орқасида етказилганлиги аниқланса, суриштирувчи, терговчи уларнинг жавобгарлиги масаласини ҳам ҳал қилишлари лозим.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш назорати соҳасида ишлаётган мансабдор шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузувчилар билан жиноий тил бириктирганлик ҳоллари аниқланганда, бундай мансабдор шахслар табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганлиги ва тегишли мансабдорлик жинояти учун жавобгарликка тортилмоғи зарур.

Экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда айрим тергов ҳаракатларининг ўтказилиш хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

#### Сўроқ қилиш:

Экология соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гувоҳлар, гумон қилинувчи, айбланувчининг қўрсатмалари муҳим далиллар манбаси ҳисобланади. Айнан мазкур иш бўйича гувоҳ сифатида бир неча гуруҳ гувоҳлар бўлиши мумкин:

1) Экология соҳасидаги жиноятлар оқибатларга оид маълумотларни берадиган гувоҳлар. Улар орасида турли инспекциялар ва назорат органлари мансабдорлари ва оддий фуқаролар бўлиши мумкин;

2) Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишини бевосита кузатган гувоҳлар;

Экология соҳасидаги жиноятлар юзасидан сўроқ қилиш жараёнида аввало қилмиш қачон ва қаерда содир этилганлигини аниқлаш лозим бўлади. Бундан ташқари қилмиш ким томонидан содир этилганлиги, ушбу жиноят иштирокчиликда содир этилганми ёки йўқми, агар Экология соҳасидаги жиноятлар иштирокчиликда содир этилган бўлса иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги роли нимадан иборатлиги ва бошқа ҳолатлар аниқланиши керак.

Гумон қилинувчи ва айбланаётганларни сўроқ қилиш самарадорлигини таъминлаш учун, қоидага кўра, содир этилган жиноят иши юзасидан ишончли далиллар йиғилган бўлиши керак. Уларни сўроқ қилиш тактикаси сўроқ қилинувчини уз айбини инкор қилиши бемаъни эканлигига ишонтирадиган маълумотларнинг мантиқий таҳлилига асосланган бўлиши керак. Бундай тоифадаги ишлар бўйича айбланувчилар улар айбини бошқаларга, айникса, буйсинувчиларга тўнкашга мойил бўладилар, тажрибалари етишмаслиги, норматив ҳужжатлар талабларини бузиш хавфлилигини билмаганликларини рўкач қиласидилар[1]. Баъзан улар ўз айбларини тан олиб, уни юмшатишга ҳаракат қиласидилар, зарарли оқибатларни инкор этадилар ёки унчалик эмас деб ҳисоблайдилар, баъзан ишлаб

чиқариш манфаати учун шундай қилганлар, юқори лавозимли шахс кўрсатмалари мавжудлигини пеш қиласидар.

Экология соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича айланувчи шахслар маҳсус билимга, профессионал тажрибага эга эканлигини эътиборга олиб, терговчи сўроқка жиддий тайёргарлик кўриши ва норматив материалларни ўрганиши, корхона ва унинг тозалаш иншоотлари фаолиятининг ўзига хос томонлари, жиноят иши материалларини билиб олиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиши зарур.

Терговчи айланувчини сўроқ қилаётганда унинг шахси, профессионал стажи, Экология соҳасидаги жиноятларга айнан нима сабаб бўлганлиги оид кўрсатма беришда нималарга асосланганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлиши керак. Мазкур иш бўйича айланувчи кўрсатмасини жиноят иши юзасидан тўпланган маълуотлар ва бошқа маълумотлар билан таққослаб кўриш керак. Айланувчини сўроқ қилиш жараённида ва бошқа тергов ҳаракатларида мазкур жиноий қилмишнинг содир этилиш сабаблари ва шароитларини белгилашга алоҳида аҳамият бериш керак: ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишидаги нуқсонлар, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишда баъзи мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги, тозалаш иншоотлари иши бўйича назоратнинг йўклиги, техник воситалар ва транспорт билан ёмон таъминланганлиги, баъзи бир ишлаб чиқариш жараёнларида ҳисоб ишларини юритиш, чиқиндилар сақлаш ва уларни хисобга олиб бориш ва бошқалар талабга жавоб бермаслиги ва ҳоказо. Терговчи мутахассислар ёрдамидан фойдаланган ҳолда бундай жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўриш керак.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати деганда алоҳида ва мустақил тергов ҳаракати тушунилади. Унда гувоҳ ва жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айланувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда баъзи ҳолатларни аниқлаш мақсадида текширилади (ёки бошқа мақсадларни аниқлаш учун кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текширилади). Тергов жараённида йифилган ахборотни текшириш зарурияти пайдо бўлади. Бундай текшириш ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, хужжатларни, далилий ашёларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тинтуб қилиш, сўроқ қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш каби тергов ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Аммо маълум жиноятнинг ҳолатларига кўра, сўроқ қилинганларнинг кўрсатувларини воқеликка ва жиноятнинг содир этилган жойи ҳамда шароитларига тўғри бўлишини кўрсатилган тергов ҳаракатлари орқали текшириш қийин масала бўлиб қолади. Масалан, айланувчи сўроқ пайтида жиноятни содир этиш жойини аниқ эслашга қийналсаю, аммо унга олиб борувчи йўлни яхши эсда сақласа ва уни кўрсатишга қодир бўлса, бундай кўрсатувларни текшириш учун у билан жиноят содир этилган жойга бориш лозим. Бунда у кўрсатган жиноят содир этилган жой, вақти бошқа ҳоллар ва қайд этилган ҳамда рўйхатга олинган жиноят факти билан тикланиш керак эмас, чунки жиноят тўғрисида кўрсатув берган шахс бошқа бирордан олинган ахборотни бераётган бўлиши мумкин. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширгандага эса айланувчининг ҳодиса содир бўлган жойга доир маълумоти, жойнинг шароити ва деталларини ҳамда жиноятга алоқадор бошқа ҳолатларни аниқлаш мумкин (бошқа

манбалардан бу ахборотни аниқлаш қийинроқ бўлади)[\[1\]](#).

Бундай ҳолатларда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракати ўтказилади. Бу тергов ҳаракати ЖПКнинг 132-134-моддаларида қайд этилган.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш моҳияти даставвал сўроқ қилинган шахснинг берган кўрсатувларини воқеликда бор бўлган шароитларга ва ҳолатга тўғрилигини аниқлашдан иборат. Шу боис, сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари воқеликда бўлган Объектларни кўрсатиш, керак бўлса, маълум ҳаракатларни намойиш қилишдан иборат бўлади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш комплекс ҳаракат бўлиб, у сўроқ қилиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш. Эксперимент элементларини ўз ичига олади. Бироқ мазкур ҳаракат ўзининг мазмуни бўйича бирор-бир кўрсатилган ҳаракатлар билан айнан мос бўлмасдан, балки улардан ўзининг мақсадлари, моҳияти бўйича фарқ қиласи ва мустақил таърифга эга.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш бошқа тергов ҳаракатларидан қўйидагилар билан фарқ қиласи:

— кўрсатув берган шахс унинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аниқлаштириш учун ўз хоҳишини билдириши керак, акс ҳолда бу тергов ҳаракати ўтказилмайди;

— кўрсатувлар тегишли ҳаракатларни намойиш этиш ва воқеликда бўлган Объектларни ва ҳолатни кўрсатиш билан олиб борилади;

— ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувларни текшириш пайтида ҳаракатларни намойиш қилиш жиноятнинг содир этилиш вақтида бўлган шароитларни маҳсус равишда тикламасдан ўтказилади;

— ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувлари текшириладиган шахснинг тавсиялари бўйича тегишли изларни ва бошқа Объектларни қидириш билан ўтказилади;

— мазкур ҳаракат шароитни жойида қайд қилиш ва аввал сўроқ қилинган шахснинг тушунтиришларини ҳисобга олиш билан ўтказилади[\[1\]](#).

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишга тайёргарлик қўриш:

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиши зарурияти қуйидаги вазиятларда келиб чиқади:

— тергов қилинадиган ҳодиса қаерда, қайси турап жой ёки очик жойда бўлганлиги ва у ерга қайси йўллар билан етиб бориш кераклиги бўйича сўроқ қилинган шахснинг билимларини текшириш лозим бўлганда;

— ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолати ва сўроқ қилинувчининг берган маълумотлари орасидаги ўзаро мутаносибликни текшириш зарурати юзага келганда;

— аввалроқ тегишли жойда аниқланмаган излар ва предметларни аниқлаш зарур бўлганда;

— ҳодиса қатнашчиларининг берган кўрсатувларини ўзаро солиштириш зарурияти пайдо бўлганда ва ҳоказо.

Терговчи кўрсатув берган шахснинг маълумотларини ҳодиса содир бўлган жойда (яъни кўрсатувларга оид бўлган жойда) текшириш тўғрисида тактик қарорга келса, бу

шахсдан ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун розилик олиниши ва у ўз хоҳишини намойиш қилиши лозим. Акс ҳолда, мазкур шахснинг ихтиёрисиз ушбу тергов ҳаракати ўтказилмайди.

Агар кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш учун қўшимча ахборот зарур бўлса, қайта сўроқ ўтказилади. Бундай сўроқнинг мақсади ҳаракат қилиш маршрути, хона ёки очиқ жой, ҳодиса содир бўлган жой ва у ерда содир этилган ҳаракатлар тўғрисида мукаммал ахборот олишдан иборат бўлади. Масалан, маршрутнинг қанчалик узун бўлиши, унинг асосий ориентирлари, юриш тезлиги, очиқ жойнинг манзаралари қандай таърифга эга бўлганлиги, ўсимликлар таърифи, уйлар ва йўллар борлиги, уйларнинг тури ва ташқи кўриниши, хоналарнинг тури ва жойланиши, уларда мебелнинг жойланиш таърифи кабилар шулар жумласидан. Тергов ҳаракатига тайёргарлик кўрища сўроқ қилинувчига юриш маршрутининг ёки борадиган жойнинг схемасини деталли равишда чизиб беришни тавсия этиш лозим. Бу эса кўрсатувларнинг воқеликка нақадар тўғри бўлишини таъминлайди.

Қатор вазиятларда уларнинг ноаниклигини аниқлаш мумкин, чунки ҳодиса жойининг схемасини ва ундаги Объектларни чизганда уларни оғзаки тавсиф этишдаги ноаникликлар бартараф этилади.

Агар кўрсатувлари текшириладиган жой аниқ бўлса, терговчи даставвал у ерга бориб келиши мумкин ва биринчи навбатда қандай саволларга жавоб топишни, тергов ҳаракатини қандай йўсинда ўтказишни, унга кимларни таклиф этишни ва қандай техник воситалар олиш зарурлигини ҳамда жойни яхшироқ ориентирлашни мақсад қилиб қўяди.

Мутахассислар доираси ва зарурий техник воситалар мажмуаси кўрсатувлар текшириладиган жой ва унинг ҳолати билан таърифланади ҳамда терговчи томонидан режалаштириладиган ҳаракатлар, қидириладиган Объектларнинг хусусиятлари (кўрсатувларни қайта тиклаш, қидирав, қайд этиш, изларни олиш ва ҳоказо) билан белгиланади.

Кўрсатувларни ўз жойида текширишни амалга оширганда зарурий ҳаракатларни қайтариб кўрсатиш мақсадида (масалан, автомашинани олиб қочиш ҳодисалари бўйича) автотранспорт воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Агар жиноят иши бўйича бир неча шахсларнинг кўрсатувлари тек-шириладиган бўлса, уларнинг текширилиши кетма-кетлигини ва жойга етиб бориш вақтини алоҳида-алоҳида режалаштириш лозим, чунки алоҳида тергов ҳаракати муайян шу турдаги тергов ҳаракати билан бир вақтга мўлжалланмаслиги керак.

Агар гумон қилинувчи (айбланувчи) ҳибсга олиниб, унинг кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текшириладиган бўлса, қочиб қолиш ҳаракат-ларини бартараф этиш, хавфсизлик чораларини кўриш ва унинг бошқа шахсларга ғайриқонуний таъсир этиши ҳаракатларини олдини олиш учун бир қатор ишларни режалаштириш лозим[1].

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тактикаси

Экология соҳасидаги жиноят ишлари бўйича ушбу тергов ҳаракатининг асосий тактик шароитлари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

— шахснинг кўрсатувлари текширилиши ва жойга чиқиб у ерда кўрсатувларини қайтаришга унинг розилигини олиш ёки бу шахснинг хоҳи-шига кўра мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш;

— жойга боришда кўрсатувлари текшириладиган шахсга ташаббускорлик қилиши ва тегишли ҳаракатларни намойиш этганда унга мустақил ҳаракатланиши учун шароитлар яратиб бериш;

— саволларга кетма-кет жавоб олиш мақсадида кўрсатувларни ўз жойида текширишда шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширмаслик ва бундай саволларни бермаслик;

— тергов ҳаракати қатнашчилари ва атрофдаги шахсларнинг ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш.

Шуларни ҳисобга олиб, тергов ҳаракатининг қатнашчиларига йўриқнома беришда уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиришдан, тергов ҳаракатининг умумий тартиби ва кетма-кетлигини таърифлашдан ташқари, асосий эътиборни кўрсатувлари текшириладиган шахсга ҳеч қандай йўналтирувчи ахборотлар бермаслик, яъни ундан аввал (биринчи бўлиб) йўлни кўрсатмаслик, кўрсатувлари текшириладиган шахснинг жавобларини ва хатоликларини тўғриламаслик талааб қилинади.

Тергов ҳаракатини ўтказиш кўрсатувлари текшириладиган шахсга маршрутнинг бош нуқтасини кўрсатиб бериш, аввал берган кўрсатувларини таърифлаш ва маршрутнинг якунловчи нуқтасини таърифлаб, уни бевосита кўрсатиш ҳамда кўрсатувларни қайта тавсифлашдан бошланади. Тегишли жойга келгандан сўнг ундан бу жойнинг қандай аломатлари ва қайси белгилари бўйича таниб олганлиги сўралади, ҳодиса билан алоқадор ҳолатларни гапириб бериш тавсия этилади. Унга алоқадор бўлган Объектларни кўрсатиш ва керак бўлса, тергов қилинадиган ҳодиса бўйича унинг содир этилиш вақтида қандай ҳаракатлар амалга оширилганини кўрсатиш тавсия этилади.

Маршрут бўйича ҳаракат қилганда кўрсатувлари текшириладиган шахс тергов-тезкор гурухини бошлаб бориши (юриши) лозим. Агар ҳибсга олинган шахснинг кўрсатувлари текшириладиган бўлса, у тезкор ходим билан бирга ва бир қадам кейинроқ кишанбанд ҳолда (кўрсатувлари текшириладиган шахс билан тезкор ходим бир кишангага боғланган ҳолда) йўл бошлаши, бошқа тергов-тезкор гурухининг қатнашчилари эса уларнинг кетидан бориши зарур.

Агар маршрут бўйича ҳаракат қилиш автомашинада олиб бориладиган бўлса, кўрсатувлари текшириладиган шахс ҳайдовчининг ўринидиги йўнали-шига мувозий бўлган ўриндиқقا ўтириб йўлни кўрсатиб туриши керак. Ҳибсга олинганни автомашинада олиб бориладиган бўлса, унинг қочиш ҳаракатлари қурол билан бартараф этилиши керак.

Шунинг учун агар у қочадиган бўлса, отилиши тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Акс ҳолда, ҳибсга олинган айланувчи қочишга уриниши мумкин. Ҳибсга олинган шахс автомашинанинг орқа ўринидигига иккита тезкор ходим ўртасига ўтириши лозим ва у йўлни шу ҳолда кўрсатиб боради[1].

Кўрсатувларни ўз жойида текшириш пайтида йўналтирувчи ёки танқидий саволлар, текшириладиган шахснинг ҳаракатларини бошқариш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш ман этилади.

Жиноят ҳаракатларини қайта намойиш этганда маънавий талабларга ва қатнашчиларнинг ҳаётига хавфли бўлган, шунингдек, кўрсатувлари текшириладиган шахснинг саломатлигига зарар етказадиган ҳаракатларнинг амалга оширилиши ман

этилади.

Юқорида қайд этилганидек, ушбу тергов ҳаракатининг асосий вазифаларидан бири ушбу шахс ҳодиса жойини яхши билиши туфайли жойда мустақил ҳаракат қилиш қобилиятига асосий эътиборни қаратиб, шу масалаларни ўрганишдан иборатдир. Шу боис, агар жиноят иши бўйича бир неча шахсларнинг кўрсатувларини текшириш лозим бўлса, уларнинг ҳар бири билан алоҳида тергов ҳаракати ўтказилади. Агар битта тергов ҳаракатида уларнинг барчасини бирга олиб борилса, улар ўзаро тил бириктириб, терговни нотўғри йўлга бошлашлари мумкин ва ҳар бирининг кўрсатуви бир асосга эга ва биринчи шахс берган кўрсатувларга тўғри бўлиб қолади. Шуни ҳисобга олиб, бу тергов ҳаракатида ҳар хил холис ва ҳайдовчиларни жалб этиш даркор. Бу талаб, биринчидан, холислар учун тергов ҳаракати тўғрисида чалкаш таърифга эга бўлмайди ва улар аниқ равишда тергов ҳаракати жараёни ҳамда натижаларини тавсифлашга қодир бўлишади, иккинчидан, ҳайдовчи агар бу жараёнда иккинчи марта иштирок этган бўлса, маршрутни билганлиги сабабли иккинчи маротаба унинг ўзи йўлбошчилик қилган деган нотўғри фикр шаклланишининг олдини олади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аниқлаштириш уни ўтказишида хилма-хил усувларни ишлатишни тақозо этади. Ташкилий эҳораларни амалга ошириш, яъни гурухни тўғри йўналишда ҳаракат қилиши ва кўрсатувлари текшириладиган шахснинг ҳаракатларини тўғри намойиш қилишини таърифлашдан ташқари, терговчи сўрқ қилиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, таққослаш усувлари кабиларни кенг кўллади.

Агарда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш пайтида кўрсатувлари текшириладиган биринчи шахс томонидан қандайдир Объектлар топилган бўлса, кўрсатувлари текшириладиган бошқа шахслар билан бу тергов ҳаракатини ўтказганда қидирув ишларининг оқибатларини бартараф этиб, жой илгари қандай ҳолда бўлган бўлса, уни шундай ҳолга келтириш зарур. Кейинги қатнашчилар берган кўрсатувларни ҳодиса жойида текширганда, агар улар ҳам ушбу Объектлар тўғрисида тавсиф этишган бўлса, уларнинг аризаларини янада аниқлаштириш, яъни бу Объект қаерда қолдирилган, яширилганлигини билиб олиш лозим, чунки иккинчи марта бу Объектни қидириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Объект бўлган жойни кўрсатиш кўрсатув берган шахснинг бу Объектнинг жойлашишини тўғри билганлигидан яққол далолат бера олади. Мазкур ахборотни албатта баённомада, режада техник воситалар ёрдамида қайд қилиш лозим.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аниқлаштириш жараёнида терговчи олинадиган ахборотни таҳлил қилиб, таққослаши ва уни фактик ҳолат ҳамда аввалги берилган кўрсатувлар билан солиштириш керак. Зарур бўлса, ўтказилаётган тергов ҳаракатига тегишли аниқликлар киритиши ва агар берилган кўрсатувлар воқеликка тўғри келмаса, тушунтиришларни талаб қилишга имкон бериши мумкин. Албатта, бундай номутаносиблик ҳолатларининг сабабларини аниқлаш керак.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аниқлашлиришни қайд қилиш.

Бундай қайд қилиш баённома тўлдириш, фотосуратга тушириш, видеога олиш, овоз ёзиш ускуналарини ишлатиш, режа ва схемаларни тузишдан иборат. Фотосурат ва видеога олинадиган маршрутларни қайд қилиш кўрсатувлари текшириладиган шахсни қайси йўналишда қандай йўллар билан ҳодиса жойига борганлигини, қандай ҳаракатларни амалга оширганлигини, ҳодиса жойидаги ва аниқланган Объектларнинг ҳолатини тасаввур этишда ёрдам беради. Қайд қилувчи тасвирнинг маълум ахборот ҳажмига эгалиги кўрсатувлари текшириладиган шахснинг қаерда бўлганлигидан ташқари, уни тегишли жойга қаратган қўли ҳамда йўналиш ҳаракати бўйича муайян ориентирларни кўрсатиши ва жойида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг тасвир этилиши билан белгиланиши керак.

Тасвирга олиш кўрсатувлари текшириладиган шахснинг ёнбошидан ёки орқасидан амалга оширилади. Аммо кўрсатувлари текшириладиган шахсни олдидан қайд қилиш мумкин эмас, чунки бу ҳолда кўрсатувлари текшириладиган шахсга унинг юриш йўналишини бошқа шахс (масалан, тасвирга оловччи) кўрсатиб берган деган нотўғри фикрнинг шаклланиши олди олинади.

Агар маршрут йўналиши бўйича тушунтиришлар олиш ёки бошқа мақсадларда тўхташ лозим бўлса, улар ўтказилади. Тўхташларнинг бошла-ниш ва тугаш вақти қайси вақтда ва қаерда, қандай сабабларга кўра тўхталганлиги видео ёки овоз ёзиш тасмасида қайд қилиб ўтилиши керак.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомасида умумий талаб қилинадиган қоидалардан, тергов ҳаракатини ўтказиш вақти ва жойи, қатнашчиларнинг таркиби, уларнинг ҳукуқ ва бурчларини тушунтириш-дан ташқари қуидагилар ҳам қайд этилади:

- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аниқлаштиришнинг мақсади;
- шахснинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишда унинг ихтиёрий равища шу тергов ҳаракатида фаол иштирок этиши; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг бошланғич нуқтаси[1];
- жойга борища қандай усул ишлатилганлиги ва қандай воситалар жалб этилганлиги;
- йўналиш ҳаракати ва кўрсатувлари текшириладиган шахс томонидан кўрсатилган ориентирлар;
- гурӯхнинг жойга бориш тартиби ва йўналиш бўйича ҳаракат қилишдаги кетма-кетлиги;
- кўрсатувлари текшириладиган шахс йўналиш бўйича қандай ҳаракат қилганлиги (йўналишда тап тортмасдан йўлни аниқ кўрсатганлиги, йўналиш-дан адашиб тегишли жойгача борганлиги ва ҳоказо);
- кўрсатувлари текшириладиган шахснинг қандай ҳаракатларни амалга оширганлиги, уларнинг таърифи ва натижалари;
- кўрсатувлари текшириладиган шахс қандай жойда кўрсатувлар берганлиги

(шунингдек, жойга боришга қадар қандай кўрсатувлар берган-лиги), уларнинг мазмуни нимадан иборат бўлганлиги;

- терговчи қандай саволлар берган ва қандай жавоблар олганлиги;
- қайд қилувчи воситаларнинг ишлатилиши ва уларни ишлатиш тартиби.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва аниқлаштириш натижалари сифатида аввал берилган кўрсатувларни ҳодиса жойида амалга оширилган ҳаракатлар ва воқеликда бўлган шароитларга, бошқа асосланган маълумотларга тўғри ёки нотўғри бўлишини мисол қилиш мумкин[1].

Натижаларни баҳолаганда шуни эсда тутиш лозимки, натижаларнинг воқеликка тўғри бўлиши кўрсатув берган шахснинг ҳодисанинг ҳолатлари ва жойи тўғрисида тўлиқ маълумотга эгалигидан дарак беради. Бу маълумот-ларнинг деталлаштирилиши эса билимининг манбанин тўғри кўрсатади, яъни айнан шу одам жиноятда иштирок этганлиги ёки бу жиноят тўғрисида хабар олиб, гўёки бу жиноятда иштирок этдим, деб берган кўрсатувларини фош қилишга ёрдам беради. Агар кўрсатувлари текшириладиган шахс ҳодиса жойида бўлган ўзгаришларни (жиноятдан сўнг бўлган ўзгаришларни) аниқ кўрсатиши ва уларни таърифлаб бериш қобилиятига эга бўлса, натижалар янада воқеликка тўғри бўлади.

Кўрсатувларнинг воқеликка тўғри бўлмаслигидан содир этилган жиноятни айнан шу шахс қилмаганлиги ёки ўз кўзи билан кўрмаганлиги маълум бўлади (агар улар ўзини ўзи айбдор деб ёлғон кўрсатув берса ёки ўзга одамни айбдор деб қораласа, бу каби ёлғон кўрсатувларни фош қилишда жуда зарурдир). Бундан ташқари, кўрсатув берган шахслар орасида зиддиятларнинг борлиги, улардан кимдир ёлғон кўрсатув бериш ниятини амалга оширганини ёки ўзга шахсни қоралаш нияти борлигини яққол кўрсатиб беради[1].

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ ишларни кўришда суриштирувчи, терговчи жиноий йўл билан топилганини била туриб (балиқларни, ёввойи ҳайвонларни, паррандаларни, дараҳтларни ва ҳоказоларни) олган ёки ўтказган шахсларни аниқлаш чораларини кўришлари ва муайян ҳолатлардан келиб чиқиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 171-моддаси аломатлари билан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилишлари лозим.

Олиб қўйиш ва тинтуб ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 157-моддасига мувофиқ, жиноят иши учун ахамиятга молик нарса ва хужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг хожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишига хақлидир. ЖПКнинг 158-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой хизмат ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун ахамиятли бўлган нарса ёки хужжатлар бор, деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда, тинтуб ўтказишга хақлидир. Терговчининг жиноят иши учун ахамиятга молик нарса ва бюмлар бирор-бир хонада ёки шахсда бўлиши хақидаги етарли маълумотлари олиб қўйиш ва тинтуб ўтказиш учун асос хисобланади. Уларнинг процессул асосини суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарори ташкил қиласи. Тинтуб учун қўшимча тарзда прокурорнинг санксияси олинниши керак.

Экология соҳасидаги жиноятлар юзасидан терговчининг тасаввурига кўра, ушбу жиноятни содир этган шахслар қандайдир моддий қимматликлар ёки бошқа мулкий хизматлар олганлиги боис ерларни қонунга хилоф равишда эгаллаб олишга чоралар кўрмайди. Бунга ўхшаш вазиятларда гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг яшаш уйлари, унга ёндош бинолар ва бошқа объектлар тинтуб тергов ҳаракатини ўтказиб, ушбу тергов ҳаракатида топилган нарса ва буюмларни олиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўп ҳолларда экология соҳасидаги жиноятлар бир қанча вақт ўтгандан сўнг аниқланиши мумкин, бу эса тинтуб ва олиб қўйиш тергов ҳаракатининг самарасини бир мунча пасайтиради. Шунга қарамасдан бугунги кунга келиб экология соҳасидаги жиноятларни содир этган шахслар ва экология соҳасидаги жиноятларни содир этган шахслар ўртасидаги келишувга кўра, ердан фойдаланиш натижасида олинган фойдадан ҳар йили ер згасига, ердан фойдаланувчига ва ер ижарачисига маълум бир қисмини экология соҳасидаги жиноятни содир этган шахс бериб туриши лозим бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаб ва асосларга кўра олиб қўйиш ва тинтуб тергов ҳаракатини ўтказишни экология соҳасидаги жиноятлар бўйича батамом рад этиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Тинтуб терговчи томонидан ўтказилади. Тезкор-қидирув вакили, эксперти-криминалист ва бошқа мутахассислар терговчи тинтувни ўтказиш учун зарур ёрдам кўрсатиладилар. Агарда жиноят содир этишда бир неча шахс гумон қилинаётган бўлса, тинтувни тўсатдан ва бир вақтнинг ўзида, тез ва зудлик билан ўтказиш лозим. Бу эса тинтуб олиб борилаётганни хақида хабар чиқишининг олдини олади. Тинтуб ва олиб қўйиш чоғида олиган нарсалар синчиковлик билан текширилади. Уларда келиб чиқиш биологик бўлган моддаларни аниқлаш учун ултрабинафша нурлардан фойдаланиш лозим. Барча аниқланган нарсалар фотосуратга олиниб, тинтуб ўтказиш хақидаги баённомада батафсил ёритилади ва олиб қўйилади. Олиб қўйиш ва тинтуб баённомасида нарса ва хужжатлариниг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишида олинганлиги кўрсатилади, улар бирма-бир қайд этилиб, миқдори, ўлчови, ҳар бирининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлгандан ўралиши ва муҳрланиш лозим[1].

Экология соҳасидаги жиноятларни тамомлашнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Мазкур турдаги жиноят иши бўйича дастлабки тергов:

1. Жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш;
2. Айблов хulosаси (далолатномаси)ни тузиш;
3. Ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш;
4. Амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш хақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади.

Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш жинояти бўйича дастлабки тергов тамомланганидан сўнг суриштирувчи ёки терговчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Процессуал кодексига мувофиқ, жиноят процесси иштирокчиларини жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳукукини таъминлайди[2].

Суриштирувчи, терговчи тўпланган далилларни айблов хulosаси (далолатномаси)ни тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва химоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қиласди, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишига доир хукукларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Башарти иш тугатилган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиб хукуки ҳақида гумон қилинувчини, айбланувчини ва химоячини хабардор қиласди ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Суриштирувчи, терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов хulosаси (далолатномаси) билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қиласди, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш хукуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг суриштирувчи, терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади[1].

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг химоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вактда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Химоячи ёки вакил бу муддат ичida келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади.

Суриштирувчи, терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб чўзишга уринаётган бўлсалар, суриштирувчи ёки терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақлидир.

Иш билан танишиб чиқаётган шахс ишдаги ҳужжатлардан кўчирмалар ёзиб олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Суриштирувчи, терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиқсанлик тўғрисида баённома тузади.

Иш билан танишиб чиқсандан кейинги оғзаки илтимосларни суриштирувчи, терговчи баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома бериши мумкин, бу ҳақда баённомада ёзиб қўйилади.

Айбланувчи, химоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий

жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишигач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишидан бош тортганларидан кейин суриштирувчи ёки терговчи улардан кўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч сутка доирасида вақт берилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичida аризачига хабар беради.

Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганилиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичida прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи илтимос қондирилгандан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъий назар, айланувчи, ҳимоячига, шунингдек жабланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини беради[2].

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР:** Дарҳақиқат, давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигининг таъминланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ҳуқук-тартиботни таъминлашга масъул органлар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши эса адолат ва қонун устуворлиги принципларига асосланган демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

Экология соҳасидаги жиноятларни тергов қилишни такомиллаштириш, экология соҳасидаги жиноятлар бўйича ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатларни янада такомиллаштириш керак.

**1-Таклиф:** Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларга зарар етказганлик ҳолати бўйича Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 94-моддаси диспозициясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, нормаси билан Жиноят кодекси 202-моддасай 3-қисми «ж» бандида келтирилган нормани бир-биридан фарқлаш мушкул.

Ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс 94-моддаси ва Жиноят Кодекси 202-моддасига ўзгартириш киритиш лозим.

Бунда Жиноят Кодекси 202-моддаси 1-қисмига “Худди шундай жиноят маъмурий жазоchorаси қўлланилгандан кейин тақрор содир этилган бўлса» деган банд қўшиш лозим бўлади.

**2-Таклиф:** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 193-моддаси диспозициясида назарда тутилган оғир оқибатлар деганда айнан қандай оқибатларни назарда тутилиши қонунчиликда келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 193-моддаси диспозициясида назарда тутилган оғир оқибатлар деганда: эпидемиялар, катта зарар етказган ҳалокатларнинг рўй бериши, тупроқнинг бузилиши кабилар тушунилади.

## REFERENCES

1. Криминалистика. Дарслик. Б.Маматкулов, И.Астанов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси. – “Адолат”, 2021–йил.